

Ақидавий ихтилофлар сабаби



12:00 / 28.03.2021 2104

«Кейинги пайтда сахнага чиққан ақидавий ихтилофлар сабаби кўп ўйлантираётган ва қийнаётган эди.

Мусулмонларни бўлақларга бўлиб ташлаётган бу кўриниш мени қаттиқ изтиробга солиб, унинг сабаблари ва муолажалари ҳақида жиддий изланаётган эдим. Ва булар натижасида айрим хулосаларга келган ҳам эдим.

Бугун ана шу хулосаларимни тўлдирадиган қимматли жумлаларни учратдим. Улар марҳум шайх Муҳаммад Саид Рамазон Бутийнинг «Тавҳидий мазҳаблар ва замондош фалсафалар» китобларидаги қуйида келтирадиганим сатрлар эди», дейди устоз, Ислом олими Мубашшир Аҳмад домла.

Қуйида ушбу иқтибосни келтириб ўтамиз:

«Агар ақида асослари қалбий таслимият билан ҳимояланган ва асл инсоний фитрат тўсиқлари билан ўралган бўлса, одатда нафснинг ташидан келадиган ташвиш ва шубҳалар ақлни эгалламаган бўлса, ихтилоф омилларидан бирор нарса бундай ҳолдаги киши онгига кириб кела олмайди.

Ихтилоф бир нарсада чуқурлашиш натижасида пайдо бўлади. Чунки изланиш олиб бораётган киши бунда аниқ зоҳирдан зонний ботинга ўтган бўлади.

Агар изланувчилар ана шундай ботинга етиб боришса, ихтилоф қилишдан омонда бўлишмайди. Чунки бунда далилларнинг кўпи зонний бўлади. Бу эса, иттифоққа эришишга йўл бермайди.

Қалбий таслимият эгалари эса ихтилофга ўрин бермайдиган зоҳирдан бошқа томонга ўтиб кетишмайди.

Зеро, улар зоҳирнинг ортида бўлган ноаниқлик ва муаммоларга эътибор қаратишмайди. Масалани мушоҳада қилишдан кўз юмишади ва фикрий тааммул эшикларини ёпишади.

Ишни Аллоҳ аzza ва жаллага таслим этишади. Сўнг, асосий ўқ томир ва равшан куллий зоҳирни маҳкам тутишга қайтишади. Бунда ҳеч қандай хилофга ўрин қолмайди.

Бу илк даврлардаги Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобларининг ҳолатлари эди. Агар ҳолат мана шундай давом этганида мусулмонлар сафига ихтилоф сизиб кирмаган ва турли мазҳаб-фирқалар пайдо бўлмаган бўлар эди».

(Шайх Муҳаммад Саид Рамазон Бутийнинг «Ал-мазоҳибут тавҳидийя вал фалсафотул муосира» китобларидан, 45-46 бетлар. «Дорул-фикр» нашриёти, 2008-й.)

Бу иқтибосдан маълум бўляптики, агар мусулмон Аллоҳнинг борлиги ва бирлигига иймон келтириш билан кифояланиб, қолган масалаларни Аллоҳга таслим эта олса, ихтилофлардан омонда бўлар экан.

Мубашшир Аҳмад